

КАРОРИ

КАРАРЫ

№ _____

190

« 17 » март 2018 й.ж

Нөвгөс қаласы

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2018 йил

14 мартдаги “Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармониға мувофиқ ҳамда шахар ва туман хотин-қизлар кўмиталарининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассислар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2018 йил 14 мартдаги “Хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 200-сонли қарори ижро учун рақобарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустахкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли Фармониға мувофиқ 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний-маррифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрниға тегишли штат бирликларини туман (шахар) хотин-қизлар кўмиталари тўзимасиға ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис (кейинги ўринларда мутахассис деб аталади) лавозимини жорий этиш белгиланганлиғи маълумот учун қабул қилинганлиғи;

б) қуйидагилар мутахассиснинг асосий вазифалари этиб белгиланлиғи;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамға муҳтож бўлган

ва оғир ижтимоий аҳволға тушиб қолган хотин-қизларға ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;
- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шартларини яхшилаш, уларни оилавий ва ҳуқуқий тадбиркорликка, хунармандчиликка қенг жалб этиш;

- хотин-қизларнинг ўртасида ҳуқуқбузарлиқларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойиллиғи бўлганлар билан яққа тартибда иш олиб бориш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларнинг ижтимоий-реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалға оширишда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиш;

- оилаларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш ва тиббий маданиятни ошириш;

- оилавий кадриятларни мустахкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашилларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўриш;

в) хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис бўйича низом 1-иловаға мувофиқ тасдиқланганлиғи ва 1 апрелдан бошлаб амалға киритилиши белгиланганлиғи;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис меҳнатига ҳақ тўлашининг Лғона тариф сеткеси бўйича разрядларини 7-разряд қилиб белгилаш тўғрисидаги тақлифига розилик берилганлиғи;

д) Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг 2-иловаға мувофиқ айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритилганлиғи маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шахар ва туман ҳокимларига:


шахар ва туманларда фуқаролар йиғинларининг диний-маррифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрниға хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустахкамлаш бўйича мутахассис лавозими 1 апрелдан бошлаб жорий этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг юқоридаги қарори асосида тасдиқланган низомға мувофиқ ўз иш фаолиятини бошлашини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг иловаға мувофиқ айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Районининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси З.А.Ибрагимова зиммасиға юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев



Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 14 мартдаги
190сон қарорига
илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг айирим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 7 октябрдаги 274-сонли қарори асосида тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 12 октябрдаги 244-сонли қарори 2-бандининг в-қисми, шунингдек, қарорга 12-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

